



ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Жиямуратов Рустам Нуридинович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, СамИСИ таянч докторанти rustamnuridinovich9@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0001-0041-0689>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss6/a12

Аннотация

Мақолада ҳудудий экспорт салоҳияти оширишнинг назарий асослари ҳудудий экспорт салоҳияти такомиллаштиришга нисбатан илмий ёндашувлар таҳлил қилинган, ЭИЗ ҳудуднинг иқтисодий муносабатлар тизимида тутган ўрни, ҳудуднинг ташқи иқтисодий ва ишбилармонлик салоҳиятини шакллантиришдаги аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: экспорт фаолияти, иқтисодий салоҳият, экспорт салоҳияти, ЭИЗ, ўсиш қутблари

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭКСПОРТНОГО ПОТЕНЦИАЛА СВОБОДНОЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЗОНЫ

Жиямуратов Рустам Нуридинович

Самарқандский институт экономики и сервиса докторант

Аннотация

В данной научной статье описаны теоретические основы повышения экспортного потенциала региона, изучены научные труды ученых в области экспортного потенциала региона. Выделена роль и значение ОЭЗ в системе экономических связей региона и в формировании внешнеэкономического и делового потенциала региона.

Ключевые слова: экспортная деятельность, экономический потенциал, экспортный потенциал, ОЭЗ, полюса роста.

THEORETICAL ISSUES OF INCREASING THE EXPORT POTENTIAL OF A FREE ECONOMIC ZONE

Jiyamuratov Rustam Nuridinovich

Samarkand institute of economics and service doctoral researcher

Abstract

The article describes the theoretical foundations for increasing the region's export potential, and studies the scientific works of scientists in the field of the region's export potential. Is highlighted the role and importance of the FEZ in the system of economic relations of the region and the formation of the foreign economic and business potential of the region.

Key words: export activity, economic potential, export potential, FEZ, growth poles

Кириш

Жаҳонда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларини юксалтириш ва экспорт салоҳиятини оширишда мавжуд табиий, меҳнат ва молиявий ресурсларни замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ўзаро уйғунлаштириш жараёнлари шиддат билан одимлаб бормоқда. Ҳудудларда малакали кадрларни жойлаштириш, истеъмол нафлилиги юқори бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, оптимал логистик хизматларини ташкил этиш, янги инновацион технологияларни маркетинг амалиётининг илғор тажрибалари ҳамда стратегияларини самарали қўллаш асосида амалга оширилмоқда. Бу омилардан эркин иқтисодий зона (ЭИЗ)ларда фойдаланиш юқори рентабилликни кўрсатмоқда ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий муносабатларнинг очиқлик тамойилларига асосланганлиги экспорт фаолиятини кенгайтиришда ўз аксини топмоқда. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган устувор вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида ҳудудларнинг экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши сезиларли даражада ошишига эришилмоқда. “...Экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш бўйича амалга ошириладиган вазифаларда экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баравар кўпайтириш, экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улушини 32 фоиздан 42 фоизга ёки 5,9 млрд АҚШ долларига етказиш”[1] бўйича устувор вазифалар белгиланган бўлиб, жаҳон миқёсида олиб қаралганда Хитойда умумий экспорт ҳажмининг 15.15%[2], Покистонда 10,9%[9], РФ 12,6%[3] ини эркин иқтисодий зоналар ташкил этган. Бу ўз навбатида республикамиз ҳудудларида ЭИЗ ларнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида манфаатдор субъектлар ҳамкорлигида маркетинг стратегиялари ишлаб чиқилишини тақозо этмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

РФ олими В.В. Кирсановнинг илмий тадқиқотида “экспорт”, “экспорт фаолияти”, “экспорт салоҳияти”, “экспорт базаси”, “экспорт ресурслари” тушунчаларининг моҳиятини кенгроқ ёритишга қаратилган бўлиб, ҳудудий ишлаб чиқариш имконияти сифатида талқин қилинган бўлиб, келажакда аниқ ташқи бозорларда рақобатбардош товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотишда стратегик тармоқларга хос” деб қаралган[4].

Бироқ, В.В.Кирсанов экспорт салоҳиятини изоҳлашда иқтисодий ўсиш суръатларига алоҳида эътибор қаратиб, янги жозибадор” тармоқларнинг юзага келиши билан рўй берадиган таркибий ўзларишларни келгусида “ўсиш қутб”ларига айланишини, экспорт ҳисобига жадал суръатлар билан ривожланувчи тармоқларнинг мавжудлигига, нафақат ҳудудларнинг, балки миллий иқтисодиётнинг ҳам кимё, нефтни қайта ишлаш, машинасозлик, шунингдек, электроника, ахборот каби стратегик тармоқларга ихтисослашувига асосий урғу берганлиги ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда бу каби тармоқларсиз амалга ошириш механизмларини очиб бермайди.

Эркин иқтисодий зоналарнинг экспорт салоҳияти ва уни оширишда маркетинг стратегияларининг қўлланилишига доир илмий изланишлар РФ тадқиқотчиси А.С.Таривердиев илмий тадқиқотларида “маҳсус иқтисодий зона - бу миллий

иқтисодиётнинг маълум бир иқтисодий макони” бўлиб, ўрнатилган имтиёз ва рағбатлантириш чора-тадбирларидан самарали фойдаланишдан иборат эканлиги таъкидланган. Бу янги техника ва технологияларни кенг жорий қилиш асосида иқтисодиётнинг устувор тармоғини яратиш, юқори технологик маҳсулотларни жаҳон бозорига йўналтириш асосида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини юқори даражага олиб чиқиш имконини беради”[5].

Фикримизча, А.С.Таривердиев ЭИЗни экспортга ёки ички бозорда истеъмол қилишга йўналтирилган ҳамда ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклида юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш мажмуи” сифатида изоҳлаганлиги, келгусида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда кундалик эҳтиёж товарлари ёки бутловчи товарлар йўналишида ЭИЗ моҳиятини тўлоқонли очиб бермайди.

Ўзбекистонлик олимлардан экспорт салоҳияти ва уни оширишда маркетинг стратегияларининг ўрни ва аҳамиятига доир тадқиқотлар тадқиқотчи Д.М.Усмонованинг илмий тадқиқотларида узумчилик корхоналарида экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг стратегиясидан фойдаланиш масалалари ёритилган. Ҳудуднинг ўзига хос товар ва хизматларини мақсадли бозорларга киритиш жараёнидаги муносабатлар маркетинг стратегияси сифатида олиб қаралган бўлиб, инновацион маркетинг ва брендингни қўллаш бўйича таклифлар келтирилган[6].

Бизнинг фикримизча, Д.М.Усмонованинг ёндашуви экспорт салоҳиятини оширишда турли кўргазмаларда иштирок этишга, озиқ-овқат соҳаси трансмиллий корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйишга йўналтирилган. Бу келгусида ЭИЗ маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда ушбу соҳа хусусиятини ҳисобга олган ҳолда қўллаш имкониятини чеклайди.

М.К.Рашидовнинг тадқиқотларида “Эркин иқтисодий зоналар категориясининг моҳиятида минтақаларни барқарор ривожлантиришни таъминлашни инновацион ҳудудни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида ўрганиш, ушбу ёндашув доирасида эркин иқтисодий зоналарни бевосита минтақа иқтисодиёти билан боғлиқ ҳолда предмети, бошқарув даражаси ва баҳолаш усулини батафсил тавсифлаш ва асослаш лозимлиги, ЭИЗ қатнашчилари ва хўжалик юритувчилари томонидан маҳаллийлаштириш даражасини оширишга эътиборнинг кучайтирилиши сотилган маҳсулот ва хизматлар ҳажми ошишига ижобий таъсир кўрсатиши асосланган[7].

Бизнинг фикримизча, М.К.Рашидовнинг илмий тадқиқотини бир томондан, ҳудудда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни силжитишнинг логистика хизматларини ривожлантириш негизида такомиллаштириш, иккин томондан, эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлик даражасини кўп омилли индекс усули асосида баҳолаш услубиётини маркетинг стратегиясига нисбатан қўллаш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган макро, микро ва минтақа даражасида маркетингли бошқарув тизимини мувофиқлаштиришни таъминловчи концептуал ёндашувни ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотнинг методологияси

индукция ва дедукция, ўртача миқдорлар, гуруҳлаш, ижтимоий сўров, анкета, мантиқий таҳлил, усуллардан фойдаланилган. Тадқиқот натижаларини умумий яхлит тарзда ифодалаш мақсадида жадвал ва расмлардан фойдаланилган. Тадқиқот гипотезаси ЭИЗ ҳудуднинг иқтисодий муносабатлар тизимида экспорт салоҳиятини

юксалтиришга кўмаклашувчи ҳамда институционал қўллаб-қувватлаш жараёнларини қамраб олиши мумкинлигига асосланади.


Таҳлил ва натижалар

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг самарали стратегияси уни таркибий қайта қуриш билан биргаликда экспорт салоҳиятини ҳам юксалтиришга эришиш билан боғлиқдир. “Осиёнинг янги саноатлашган мамлакатлари (Жанубий Корея, Сингапур, Тайван), шунингдек, ҳудудий салоҳиятдан самарали фойдаланган қатор мамлакатларда (Германия, АҚШ, Швейцария), миллий иқтисодиётнинг самарадорлигини оширишда ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантирувчи ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш ҳисобланади” [8].

Мамлакатда, унинг муайян ҳудудлари миқёсида экспорт салоҳиятини ривожлантириш йўналишлари ва хусусиятларини қатъий белгилаб олиш зарур. Бу ўз навбатида савдонинг эркинлашувига, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришишга имкон беради. Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, мавжуд рақобатдош устунликларга асосланган экспорт имкониятларини амалга ошириш воситаларини бирлаштиришнинг юқори самарадорлиги мавжуд. Ҳозирги вақтда Япония, Хитой, Жанубий Корея ва АҚШ каби илғор ривожланган мамлакатларда импорт ўрнини босиш ва экспортни ривожлантиришнинг имтиёзли шарт-шароитлари яратилган бўлиб, улар жамиятида юқори турмуш даражасига ва иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Кўриниб турибдики, экспортни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг салоҳиятини кенгайтириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлардан фойдаланиш миллий иқтисодиётни ва унинг турли тармоқларини ривожлантиришнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Республикамиз миллий иқтисодиётини изчил ва муттасил ривожлантириш бўйича кенг кўламли очиқ иқтисодий ислохотлар олиб борилмоқда. Илмий изланувчилар тадқиқотларида барқарор ривожланиш омилига айланган ЭИЗ ларни оптимал жойлаштиришга, ҳудуднинг мавжуд барча салоҳиятидан унумли фойдаланишдаги ўрнига ва уларнинг фаоллигини янада оширишга урғу бермоқда. Шу сабабли миллий ва ҳудудий миқёсда экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган тадқиқотлар кўламини кенгайтириш зарур.

ЭИЗ иқтисодиётда ресурслар ҳаракатининг ишлаб чиқариш босқичида ўзига хос оралиқ элемент сифатида қатнашади. Ушбу иштироки жараёнида ЭИЗ ҳудудда ресурслардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш орқали унинг ресурс салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Ўз навбатида Ҳудудда янги товар (хизмат)лар яратишни йўлга қўйиш орқали ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади. Ниҳоят, ЭИЗ ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишдаги ўрни беқиёс бўлиб, ресурсларнинг анъанавий тақсимолига нисбатан ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг юқори даражасига эришиш имконини беради, шу билан бирга яратилаётган товар ва хизматлардан ташқи бозорлардаги истеъмолчиларнинг ҳам эҳтиёжини қондириш имкониятини яратиш орқали валюта тушумини ошириш, ҳудуднинг ташқи иқтисодий ва ишбилармонлик салоҳиятини шакллантиришга ҳам хизмат қилади (1-расм).



1-расм. ЭИЗ ҳудуднинг иқтисодий муносабатлар тизимида

Манба: муаллиф ишланмаси

1-расмда экспорт салоҳияти тушунчаси иқтисодий салоҳият тушунчаси таркибида алоҳида элемент сифатида тасвирланган бўлиб, бир вақтнинг ўзида иқтисодий салоҳиятни ифодаловчи ресурс сифатида ҳам, имконият сифатида ҳам талқин қилиниши мумкин. Демак, эркин иқтисодий зоналарнинг экспорт салоҳияти - жаҳон бозорининг муайян сегментига рақобатбардош товар ва хизматлар, технологияларни таклиф қилиш имконияти тушунилади.

Эркин иқтисодий зонанинг экспорт салоҳияти мазкур ҳудуднинг ташқи бозорларга рақобатбардош бўлган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини таклиф қилиши, норезидентларга хизматлар кўрсатиши ва улар томонидан тўпланган

капитални муайян даврда хорижга олиб чиқиш имкониятининг мавжудлиги ҳисобланади.

Эркин иқтисодий зонанинг экспорт салоҳияти – илм-фан, ишлаб чиқариш кучлари, логистик-маркетинг инфратузилмаси ва мавжуд табиий ресурслар асосида ташқи бозорларда рақобатбардош ҳисобланган янги товар ва хизматлар, технологиялар ишлаб чиқариш ҳамда ҳудуддаги корхоналарнинг экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш қобилиятидир.

Фикримизча, ЭИЗ экспорт салоҳиятини оширишга, экспорт салоҳиятини шакллантирувчи ва унга таъсир кўрсатувчи омилларнинг мажмуавийлик ҳамда синергетик самарасини эътиборга олган ҳолда тизим сифатида ёндашиш, экспорт салоҳият тушунчасини иқтисодий салоҳият тушунчасининг алоҳида таркибий элемент сифатида олиб қараш, товар ва хизматлар рақобатбардошлигини ифодаловчи ва иқтисодий субъектларнинг барқарор иқтисодий ривожланишини қўллаб-қувватловчи муҳим омил сифатида олиб қарашимиз мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан экспорт салоҳияти тушунчасини иқтисодий салоҳият тушунчаси тизими таркибида алоҳида таркибий элемент сифатида яхлит ифодаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Хулоса

Ўзбекистон Республикасида инновацион тадбиркорлик фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва уни ташкил этиш учун қулай шарт-шароитларни ЭИЗ лар орқали амалга ошириш имконияти мавжуд. Демак, ЭИЗ ларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳудудий иқтисодиётни юксалтиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади. Эркин иқтисодий зоналарнинг ҳудуд экспорт салоҳиятини оширишида қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, давлатнинг иқтисодий сиёсати ва унда экспортни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳаракатлар дастури ва стратегияларнинг ишлаб чиқиш. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви, ҳудудий иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларда ЭИЗ лардан фойдаланиш бўйича институционал инфратузилманинг шакллантириш лозим;

иккинчидан, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида экспортбоп товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи юқори технологик тузилмани ташкил қилиш;

учинчидан, ҳудуднинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан баҳолаш.

тўртинчидан, ҳудуднинг экспорт имкониятларини миллий, минтақавий, халқаро маркетинг алоқалар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

бешинчидан, ҳудудларда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган инфратузилманинг макроиқтисодий самарадорлигини аниқлаш ва устувор йўналишларини белгилаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

2. Специальные экономические зоны Китая: причины успеха//В.Трофимов.
Научно-популярный журнал «ИКСТАТИ» 6/2023.
<https://spb.hse.ru/ixtati/news/463558202.html>

3. Бизнес-навигатор по особым экономическим зонам России – 2021. Выпуск 5
/М.М.Бухарова, А.Н.Андреев, Р.Ф.Бододько, Д.А.Гуляева, В.И. Зверков, Е.И. Кравченко,
М.А. Лабудин, М.К. Мальбахов, А.Р. Новикова, М.С. Серёгин, В.А. Суров, А.В. Шпиленко.
– Москва: АКИТ РФ, 2021. – 265 с.

4. В.В.Кирсанов. Сравнительный анализ и оценка экспортного потенциала региона
(на примере Республики Татарстан). авт. дисс. на соискание ученой. степени.к.э.н.
/В.В.ЕКирсанов. 08.00.05. Казань - 2005. 24 стр

5. А.С.Таривердиев. Особенности специальных экономических зон на
современном этапе (теоретический аспект). авт. дисс. на соискание уч. ст.к.э.н. /
А.С.Таривердиев. 08.00.05. Москва – 2012. 28 стр.

6. Д.М.Усмонова. “Узумчилик корхоналарининг экспорт салоҳиятини оширишда
маркетинг стратегияларидан фойдаланиш”./ Д.М.Усмонова 08.00.11 – Маркетинг
(иқтисодиёт фанлари). ТДИУ. 2021 й. 56 б

7. М.К.Рашидов. Минтақа иқтисодиётини эркин иқтисодий зоналар фаоллигини
таъминлаш асосида ривожлантириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD) диссертацияси автореферати. 08.00.12 – Минтақа иқтисодиёти. ТДИУ. 2021 й. 55
б.

8. N.S.Ismailova, U.U.Shagzatov. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar.
T.: Noshir, 2019 y, 320 b

9. <https://kpezdmc.org.pk/> – Khyber Pakhtunkhwa Economic Zones Development and
Management Company (KPEZDMC)